



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 июн, сешанба №88 (920)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА!

Кадрли дўстлар!
Галлачиликда эришган катта меҳнат галабангиз - давлатга 40 минг тоннадан зиёд дон сотиб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизлар мураккаб иқлим ва ер шароитига қарама-дан вилоят бўйича ҳар гектар майдондан 44 центнердан ҳосил олиб, ўз ишингизнинг чинакам устаси, Хоразм деҳқончилиги мактабининг ҳақиқий ворислари эканлигини яна бир бор намоён этдингиз.

Кўнглида она-Ватанига ва халқига муҳаббат туйғуси жўш урган, бунёдкорликни ҳаёт мазмуни деб билган меҳнатсевар инсонларгина шундай улугвор ишларга қодир бўлади.

Хоразм вилоятининг лафзи ҳалол меҳнат ахли давлатга яна қўшимча 10 минг тонна бугдой сотиб, умумий галла ҳирмонини эса 80 минг тоннага етказишга қарор қилгани барчамизни қувонтиради. Сиз, азиз хоразмликлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришасизлар, Ватанимиз равнақи, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Барчангизга сиза-саломатлик, бахту саодат тилайман. Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин.


Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 июн куни Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Кимио Фужитанини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг Япония ҳукумати, ишбилармон доиралари, хусусан, JICA сингари йирик ташкилотлари билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

JICA 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг молиявий ва техникавий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шунингдек, Япония ҳукумати номидан давлатлараро техникавий дастурларни амалга оширишга ҳолис ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий тараққиётига қўмакла-



шиш агентлик фаолиятига ҳосидир. JICA 25 йилдан буён жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан узвий алоқада. Шунингдек, юртимиздаги янгиланишларда ҳам фаол қатнашмоқда. Мисол сифатида агентлик томонидан Ўзбекистондаги тиббиёт муассасалари учун бир неча миллиард япон иени микдорида грантлар берилганини келтириш мумкин.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳусусида ўзаро фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Ўз ўтмоқда соз «РОҲАТ» БОЛАЛАРНИ БАҒРИГА ЧОРЛАДИ

Беруний туман халқ таълими ва тармоқ касабаси уюшмалари кўмитасининг бу галги мажлисида болалар оромгоҳларининг ҳозирги ҳолати, галдаги вазифалар кўриб чиқилди. Унда Махтумқули, «Гулстол», «Шобоз» ва Ўрозбой Жуманиёзов номлидаги фермер хўжалиқлари ҳудудидаги оромгоҳларда ёзги таътилни ўтказишга йўналтирилган аниқ қарор қабул қилинди. Жойлардаги ишлар билан яқиндан танишиб, зарур бўлса амалий кўмак бериш мақсадида туман халқ таълими бўлими ва касабакўм фаолларидан иборат махсус гуруҳлар ташкил қилиниб, овулларга жўнаб кетди.

Биз ҳам халқ таълими ва фан ходимлари туман касабакўм раиси Қурбонбой Нурулметов ҳамроҳлигида «Шобоз» хўжалиги ҳудудида жойлашган «Роҳат» болалар оромгоҳига йўл олдик. Бу ерда ҳар бир сменада ўз нафар болалар ёзги таътилни ўтказиш режалаштирилган экан. Аслида ҳозир бир ўз ўн саккиз ўғил-қизларни оромгоҳ ўз қўлига олганди. Бу ерда болаларнинг мириқиб дам олишлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган. Тарбиячи ва етакчилар уларнинг ҳар бир дақиқани мароқли ўтказишлари учун қизқарлиқ тадбирларни амалга ошириб, уларда ўғил-қизларнинг ҳам фаол қатнашишларига бош-қош бўлишга эришди. Айниқса, бош етакчи Эркиной Олламаова, етакчилар Нурсавле Исломова, Татьяна Долинина, мусиқа тўғараги раҳбари Умрбек Дўсбоевлар доимо изланишда. Спорт майдончасида эса мунтазам равишда гуруҳлараро волейбол, футбол мусобақалари ўтиб турибди. Дам олувчиларнинг ўлкамиз тарихини ҳам чуқур ўрганишларига катта эътибор қаратилган. Қуни кеча ўқувчиларимиз очиқ музей шаҳри деб ном олган Хивага бориб, бобокалонларимиз нақадар заковат эгаси бўлганликларини, муҳташам, асрлар оша келгуси авлодларга ҳам етиб бора оладиган тарихий обидалар бунёд қилинганини ўз кўзлари билан кўриб қайтишди. Сабаҳатчиларимиз қалбидан миллий гуруҳ, ифтихор туйғуларини муҳрланиб қолганига шубҳа йўқ.

Оромгоҳ фаолияти билан танишар эканмиз, йўлнамани тақсимотида қатор имтиёзлар мажмулиги бу ерга ўғил-қизларнинг кўплаб келишига сабаб бўлаётганига гувоҳ бўлдик, жумладан, ҳар сменада кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг 75 нафар ўғил-қизларига йўлланмалар бепул ёки имтиёзли тарзда берилади. Буни Беруний тумани халқ таълими ва фан ходимлари касабакўмининг «Соғлом авлод йили» даги ўзига хос савобли, тахсинга лойиқ тадбирларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» муҳбири.

ЮГУРИШ САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Пойтахтнинг Алишер Навоий номи майдонида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси, Енгил атлетика федерацияси ва Касаба уюшмалари томонидан ташкил қилинган Ўзбекистон Олимпиадача югуриш кўни ўтказилди. Бу йлги югуриш - «Йўқолсин СПИД ва наркомания!» шiori остида ўтди.

Олимпиадача югуриш кўнида вилоятлардаги енгил атлетика мусобақалари голиблари билан бирга биринчи марта Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси оталиққа олган 149-сонли болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам иштирок этди. Болакайларга мусобақаларни бошлаш шарафли ҳуқуқи берилди.

Маррага биринчи бўлиб Саиджалол Хўжаев ва унинг ортидан Дилобар Абдуқодирова етиб келди.

Югуришни яхши кўраман, - дейди Саиджалол ҳаётида илк бора бераётган интервьюсида, - кўчамиз ёки боғчамиздаги болаларни қувиб ўтсам қувониб кетаман.

Саиджалол Хўжаев ва унинг 149-сонли боғчадаги тенгқурларига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Уларни спортга фаол жалб этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган.

1980 йилда туғилганлар ўртасидаги югуришда иштирок этган Наманган Давлат университети талабаси Рамил Шарипов финишга учинчи бўлиб етиб келди.

Бундан яхши чопмоқчи эдим, бўлмади, - ҳазиллашади Рамил, - бироқ мен бунақа 6 ёшдан 80 ёшгача бўлган қишлар иштирок этиб, югуришга муҳаббатдан ташқари матонат ҳам намойиш этиладиган мусобақаларда бажону дил қатнашаман.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мутахассиси Петр Лисенко бу мусобақаларда ҳар йили иштирок этади ва ўзининг ёш гуруҳида маррага биринчи бўлиб етиб келади.

«Кентавр» енгил атлетика клуби президенти 72 ёшли Николай Тартинов 0,5 мили манс софада ҳар йили энг яхши натижага эришади. 25 йиллик югуриш даврида чопиб ўтган 95 минг километр унинг саломатлиги, бардамлиги ва яхши кайфияти гаровига айланган.

Эски иштирокчиларнинг яқдил фикрига кўра Олимпиадача югуриш кўни ҳар йили янада қизқарлироқ ташкил қилинмоқда. Кўпгина мукофот ва совғалар, дўстона учрашувлар енгил атлетикачиларда яхши таассурот қолдирди.

(ЎЗА).

Касаба уюшма ҳаёти

Касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси шартларининг бажарилишини доимо назорат қилиб бормоқда.

Янги иш ўринлари

Бунинг натижаси ўлароқ, корхона жамоаси ўз олдида кўйган вазифаларни муваффақиятли бажарди, ишчи-хизматчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, ойлик иш ҳақлари, мукофот, моддий ёрдам пуллари мунтазам бериб борилаёпти. Айниқса, ишловчиларни пенсияга кузатиш маросимлари тантанали тус олди. Тикув цехини кенгайтириш ҳисобига янги 100 ўринли иш жойлари яратилмоқда. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида ҳодисалар олди олинмоқда. Цехларда чанг ютич ускуналар ўрнатилган. Ишчи-хизматчиларга махсус кийим-бош берилади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборимизда турибди. Корхона қошида 100 ўринли болалар боғчаси бўлиб, барча харажатларни маъмурият ўз зиммасига олган. Агар ишловчиларга ўтган йили 260 минг сўмлик моддий ёрдам берилган бўлса, бу ракам жорий йилда янада ортади. Корхонамизда хотин-қизлар

Д. РАҲАБОВ,
Қизилтепа пахта тозалаш корхонаси касабаси уюшма кўмитасининг раиси.

Ислоҳот йўлидаги юв

ТАДБИРКОР ҲАҚИНИ ҚАЧОН ОЛАДИ?

— 1999 йилда фермер хўжалигимиз туман деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси билан 30 тонна галла топшириш юзасидан шартнома тузган эди, дейди тадбиркор С.Чилмонов. Ҳар қанча қийинчилик бўлмасин, белгиланган режани бажариб юзимиз ёруғ бўлди. Таъкидланган ҳужжатга кўра топширилган галланинг 15 тоннаси давлат харид нархида, 15 тоннаси эркин нархда сотилиши, «Жомбойдон»дан келиб тушган пулни 3 кун ичида бизнинг ҳисоб рақамимизга ўтказилиши тўғрисида келишилган эди. Лекин орадан қарий бир йил вақт ўтса ҳам, пулдан дарак йўқ. Бир оёғимиз далада бўлса, бир оёғимиз уюшмада бўлиб қолди. Аввал уюшманинг собиқ раҳбарлари Нуриллаев, Файёзов, сўнг янги раҳбар Эрдеш Аҳадовга учрашдик. Биз боришдан, улар эса «пулингиз ҳали келиб тушмаган, беш кундан кейин келинг» дейишдан чарчашмади. Туман ҳокимига арз қилдик. У кишидан ҳам жўяли жавоб ололмадик. Энди бутун умидимиз вилоят ҳокимлигидан. Акс ҳолда судма-суд сарсон бўламиз-ов.

— Уюшмада фермернинг топширилган маҳсулоти учун 470765 сўм пули борлиги рости, дейди Самарқанд вилоят ҳокимлиги топшириғи биноан текширув ўтказган аудитор Н.Яҳёев. — «Навкат» хўжалиги топширган галла 31025 ҳисоб рақамимизга ўтказилган бўлиши, яъни 14560 сўм уюшма хизмат ҳақига ушланиб, фермер хўжалиги ҳисобига шу йилнинг 15 майда 100.000 сўм ўтказилган қолган сумма 370 минг 785 сўмни ташкил этган.

Энди савол туғилади: Нега 475 минг 785 сўм эмас 100 минг сўм, яна ўтган йилнинг июл ойида эмас шу йилнинг май ойида ўтказилаёпти.

Шундай, шунча югурдан сўнг қарий бешдан бир қисми, холос... Нима деҳқон янги ҳосил учун ер ҳайдамай-дими, галла экмай-дими, ўғит сепмай-дими? Қолаверса, бола-чақа бокмай-дими?! Шартномада 15 тонна галлага эркин кўзда тутилган қарамай, нега ҳамма ҳосил умумий баҳода сотилган. Аниқланишича, туман деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси ва «Жомбойдон» ҳиссадорлик жамияти ўртасидаги шартнома шартларига кўра режадан ортиқча галла эркин нархда сотилиши кўзда тутилган. Режани бажарган ҳам, баҳармаган ҳам бир бўлган шароитда «Навкат» фермер хўжалигидаги ўхшаш заҳматкашлар яна чў тушиб қолаверган. Уюшмадагилар эса «хизмат» эвазига 14560 сўм улуш олишни унуттирмаган.

Уюшмадагилар «пул кимники—ишлаганники» эканини ёдларидан чиқаришган кўринади. Бўлма-са «Жомбойдон» ҳисса-

дорлик жамияти ўтган йил ҳосили учун ўтказган 15.727,7 минг сўмдан фермерлар пешона тери ҳақини оломай бунчаллик хунуб бўлишмасди. Аудитор Н.Яҳёевнинг хўрсатишича, уюшманинг собиқ раҳбарлари ўтган йилнинг 18-27 майда «Фаллатранш» пулидан 1.697500 сўмини «МТПДАЖ» корхонасига техник хизмат кўрсатиш учун кўчириб берган экан. Аммо, ўтган давр мобайнида корхона фермерларга шу пул ҳисобидан бир тийинлик ҳам хизмат кўрсатмаган. 1.697500 сўм эса уюшманинг дебиторлик қарзи бўлиб қолаверган.

Аслида туманда уюшмани тузишдан мақсад — тадбиркорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, улар фаолиятини аниқ ва мақсадли йўналтиришдан иборат эмасмиди? Пай-ариқда эса бунинг акси, яъни Саъдулла Чилмонов, Яялабой Нуриддинов сингари 20 нафардан зиёд фермерлар овори—сарсон бўлаё-

тир. «Навкат» фермер хўжалигидаги аҳволдан туман ҳокими Н.Шакарров беҳабар экан. Бизни уюшма раҳбарига йўллади. Э.Аҳадов эса янги раҳбар. Шунинг учун ҳам «Фермернинг пули қачон тўланади?» деган саволга жавоб тополмай елка қисди. «Уюшманинг қарзи кўпайиб кетган, тўлашга ҳеч нарсамиз йўқ, судга мурожаат қилишсин» дейишдан нари ўтолмади.

— Нимаям дердик, 2000 йил ҳосили учун шудгорлаш, галла экиш ишларини боримизни сотиб бўлса-да удала-дик, —деб фигони чикади Саъдулла Чилмонов. — Лекин ўғитлашга келганда кучимиз етмай қолди. Охири яяниб-ёлвориб «Дўстлик» хўжалигидан 10 тонна азотни қарзга олдик...

Пайариқда ана шунанга гаплар. Энди уюшмадаги бош-бошдоқлик, ўзибўларчилик ҳолатларига қачон барҳам берилади, деган ҳаққоний савол туғилади. Фермерлар эса ҳали ҳам умидсизликка тушмай вилоят ҳокимлиги текширув натижасини орзикиби кутишмоқда.

Ялғош САРИБЕВ,
«Ишонч» муҳбири.



БОШ-СОВРИН - ИРОДА ТўЛАГАНОВАДА

Тошкентда «Тошкент опен - 2000» халқаро аёллар турнири ўз ниҳоясига етди. Унда дунёнинг 20 та мамлакатидан энг кучли теннисчилар иштирок этди.

Франциялик Сара Питковски ўзини ёмон ҳис этиб, ярим финал мусобақаларида иштирок эта олмаганлиги тўғрисида Ирода Тўлаганова галлага қозонди, деб топилди. Яқиний ўйинда эса Ирода Тўлаганова италиялик Франческа Скиавоне билан учрашди. Биринчи сетни осонлик билан 6/3 ҳисобида ютган Ирода Тўлаганова кутилмаганда иккинчи сетни 2/6 ҳисоби билан бой бериб қўйди. Шу кунлардаги қаттиқ иссиқ ва чарчок ўз таъсирини кўрсатди, шекилли.

Учинчи сетни ҳамма зўр эътибор билан кузатди. Уйиннинг дастлабки дақиқаларидан Ирода бор диққатини жамлаб, 6/3 ҳисоб билан рақибни устидан узил-кесил галлага қозонди. Голиб чиққан Иродани теннис ишқибозлари зўр мамнуният билан қутлашди.

Мусобақалардан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида, Ирода она юртида кўлга киритилган бу галлага ўзи учун Уимблдон турниридаги галабадан кўра азизроқ эканлигини айтди.

Жуфтликлар ўртасидаги мусобақада эса Ирода Тўлаганова ва Анна Запорожана жуфтлиги хитойлик Ли Пинг ва Ли На жуфтлигига галабани бой берди.

(ЎЗА).

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

Таҳлил

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ

ҚАЕРДА ВА НЕГА ЧЕКЛАНМОҚДА?

Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда қонунларимизга таянамиз. Сир эмаски, қонунни яхши билган асло қоқилмайди. Шундай экан, меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси ҳисобланган касабани уюшмалари тизимида малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бирок, жойлардаги баъзи касабани уюшмаларида турли сабабларга кўра талабга тўла жавоб бермайдиган кишилар ишлаётганликларини боис, ўзибўларчилик ҳамда қонун бузилиш ҳоллари содир этилмоқда. Зеро, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош нозирни Ҳамидулла Премкуловнинг Қорақалпоғистонга қилган хизмат сафари таҳлилий йўл қўйлаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларни янада ойдинлаштириб берди.

Қорақалпоғистон Республикаси касабани уюшма кенгашида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига муносабат масаласи назардан ўтказилганда, қатор жиддий камчиликлар, чалқашликлар мавжудлиги равшан бўлди. Аввало санокли малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритишяпти. Режали ишлаш, ариза ва шикоятларни вақтида ҳал этиш масаласи кўнгилдагидек эмас. Масалан, қонунга зид равишда фуқаро Жабборбергановнинг аризаси икки ойдан ошдиқроқ ушлаб турилиб, сўнг «маъмурият Тошкентда жойлашган» дея ариза муаллифига қайтарилган. Наврўз байрами муносабати билан девон ходимлари ойлик маошлари микдориди рағбатлантирилган. Бирок, маъмурият рағбатлантириш билан мукофотлашни фарқи бормасан ҳамда меҳнат ҳуқуқи Бош нозирининг унинг ишлаган даврини ҳисобга олиб, эллик фоиз микдориди рағбатлантириш берган. Шу ўринда рағбатлантириш ва мукофотлашнинг фарқи ҳақида тўхталиш жоиз.

Меҳнат Кодексининг 180-моддасига асосан иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва шу каби тизимда назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш тусига кирмайди. Демак, рағбатлантириш бу меҳнат тизимида назарда тутилган ташқари тўловлар сирасига қиради. Айтилик, бунга бирон бир байрам ёки ходимнинг тутилган кунини ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар муносабати билан бериладиган тўловлар кирди.

Бундай камчиликларни Агрисаноат мажмуи ходимлари касабани уюшма кўмитасида ҳам кузатиш мумкин. А.Момутованинг ишдан нотўғри бўшатирилганлиги ҳақида берган аризаси асосий бўлишига

тўғрилиги, шунингдек, но-гиронлар, 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари бор ишлаётган аёлларнинг рўйхати ҳам тузилмаган. Оқибатда улар меҳнат қончилигида назарда тутилган имтиёزلардан, яъни узайтирилган меҳнат таътиллари ва қўшимча таътил кунларидан фойдалана олмайдилар. Қўшимча ишни баҳараётган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш буйруқларида кўрсатилмаган. Бунинг устига буйруқларнинг вақтида чиқарилмаслиги натижасида ишдан бўшаб кетган ходимларга меҳнат дафтаридаги ўз муддатида қайтарилмаган. Таътилларни беришда ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилган. Таълим ва фан ходимлари касабани уюшма кўмитасининг ўтган йилги иш режасида ҳам, қолаверса жорий йилги иш режасига ҳам ҳуқуқий масалалар киритилмаган. Кўмита томонидан меҳнат қончилигига амал қилиниши борасида назорат йўлга қўйилмаган. Меҳнат Кодексидан ташқари биронта ҳам ҳуқуқий адабиётлар йўқ.

«Нукус вино» акционерлик жамиятида ҳам юқоридаги каби бир қатор камчиликларни кузатиш мумкин. Корхонанинг идиш ювиш цехида аёллар иш кўни давомида бўш бутилкалар солинган яшиқларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришади. Яшиқнинг оғирлиги ўртача 12 килограммни ташкил этиб, ҳар бир аёл 1 смена давомида 6 тоннага яқин юк кўтариётганлиги ололмаётганликлари ҳақидаги аризаси ҳам назоратсиз қолдирилган. Ахбалнарлиси шундаки, баъзи тармоқ кўмиталарининг ўзларида меҳнат шартномалари нотўғри тузилган. Тиббиёт ходимлари касабани уюшмаси кўмитасида ишлаётган меҳнат ҳуқуқи нозирининг 76-моддасига зид равишда меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилган. Штат ҳадвалида бу лавозим «Меҳнат ҳуқуқи инспектори» деб юритилса-да, шартномада «юрисконсулт» деб кўрсатилган. Бундан ташқари, амалдаги қонунларимизга биноан меҳнат таътилининг энг оз муддати 15 кун қилиб белгиланган бўлишига қарамай шартномада 12 кун кўрсатилган. Устига устак мазкур шартномада таътиларнинг имзоси ҳам йўқ, тегишли муҳр билан ҳам тасдиқланмаган. Кўмитанинг Ички меҳнат тартиб қоидалари намунада берилган қоидалардан шундоққина сўзма-сўз кўчириб эзиб қўя қолинган.

Нукус туман ҳалқ таълими бўлимида биронта ходим билан ҳам меҳнат шартномалари, шунингдек, но-гиронлар, 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари бор ишлаётган аёлларнинг рўйхати ҳам тузилмаган. Оқибатда улар меҳнат қончилигида назарда тутилган имтиёزلардан, яъни узайтирилган меҳнат таътиллари ва қўшимча таътил кунларидан фойдалана олмайдилар. Қўшимча ишни баҳараётган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш буйруқларида кўрсатилмаган. Бунинг устига буйруқларнинг вақтида чиқарилмаслиги натижасида ишдан бўшаб кетган ходимларга меҳнат дафтаридаги ўз муддатида қайтарилмаган. Таътилларни беришда ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилган. Таълим ва фан ходимлари касабани уюшма кўмитасининг ўтган йилги иш режасида ҳам, қолаверса жорий йилги иш режасига ҳам ҳуқуқий масалалар киритилмаган. Кўмита томонидан меҳнат қончилигига амал қилиниши борасида назорат йўлга қўйилмаган. Меҳнат Кодексидан ташқари биронта ҳам ҳуқуқий адабиётлар йўқ.

«Катекс» ҳиссадорлик жамиятининг касабани уюшмаси кўмитасида ҳам биронта ҳуқуқий адабиёт тополмайди. Бунинг устига бу ерда на тармоқ касабани уюшма устави бор на Федерация Кенгаши устави мавжуд. Касабани уюшма кўмитаси раиси ўз вазифаси моҳиятини, умуман олиб бориши зарур бўлган ишларни яхши билмаслиги кишини таажжубга солади. Шундай экан бу ердаги ишлар ва камчиликлар хусусида ортиқча

тўхталиб ўтиришнинг ҳам ҳождати йўқ. «Озиқ-овқат моллари» ҳиссадорлик жамиятида ишлаётган 573 ходимдан 336 нафарини аёллар ташкил этади. Президент Фармонига асосан «Аёллар йили» муно-

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради.

САВОЛ: Мен байналминилги II-гурӯх ногирониман. Уқитувчи бўлиб 1 ёки 0,5 (ярим) ставкада ишлашга ҳақлимани? Агар ишласам, нафақамни неча фоиз микдорда оламан?

А.Сартаев, Пайарик тумани Туркистон жамоа хўжалиги.

ги берган ТМЭК бўлимига лавозим мажбуриятларининг кўрсатган ҳолда сўронома ёзишингиз мумкин бўлади. Агар ТМЭК лавозим мажбуриятларида кўрсатилган ишларни бажара олади деб ҳулоса берса, демак иш берувчи ҳеч қандай асосларсиз Сизни шартнома бўйича ишга қабул қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995

пенсиясини олиб келаяпман. Яқинда ТМЭК томонидан менга I-гурӯх ногиронлиги белгиланди. Менга қариллик нафақаси билан I-гурӯх ногиронлиги учун қанча микдорда нафақа берилади?

П.ҚУДРАТОВ, Ургут тумани.

ЖАВОБ: Аввалом бор, шунини айтиш жоизки, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида фуқароларга пенсияни танлаш ҳуқуқи белгиланган. Бунга кўра давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Шунингдек, пенсия таъминотини танлаш ҳуқуқи пенсионерларда пенсия тайинлангандан кейин ҳам сақланиб қолади. Бир турдаги пенсияни ола туриб, у пенсиянинг бошқа турига ўтиш учун ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Демак, Сиз ёшга доир пенсия (ҳозир қариллик пенсияси ёшга доир пенсия деб аталади) туридан I-гурӯх ногиронлик пенсиясига ўтишингиз лозим. Ёшга доир пенсия билан I-II-гурӯх ногиронлик пенсия микдорларини аниқлаш бир хил тартибда амалга оширилади. Қўзи охирик бўйича I-гурӯх ногиронларига юқорида айтилган Қонуннинг 28-моддаси «2» бандига асосан ҳисоблаб чиқарилган пенсиянинг устига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи микдориди устам ҳақ берилиши кўрсатилган.

Ҳозирги вақтда энг кам ойлик иш ҳақи 1750 сўмни ташкил этади. Демак, сиз 4916 сўм пенсия олсангиз устига 1750 сўм қўшилиди ва умумий пенсия микдори 6666 сўмни ташкил этади. Қўзи охирик бўйича I-гурӯх ногиронлари қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



ОЛИП БАХТ

сабати билан уч ёшга тўлмаган боласи бор ишлаётган аёлларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган бўлишига қарамай 56-дўкон сотувчи Исмоиловнинг уч ёшга тўлмаган боласи бўлсада ҳафтасига 42 соатлаб ишламоқда. МКнинг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ошдиқроқ бўлиши мумкин эмас. Ваҳоланки, таъкидлаб ўтилган имтиёزلарга кўра Исмоиловнинг ҳафталик иш вақти 35 соатдан ошмаслиги керак эди, бироқ у амалда қончиликда белгиланган меъёрдан ҳам ортиқроқ ишламоқда. Ишлаётган аёлларнинг қарийб учдан икки қисмига меҳнат таътиллари икки йиллаб берилмаган. Бунинг устига дам олиш оромгоҳларига касабакўм раиси томонидан йўлланмалар доимий тарзда нотўғри тақсимланиб келинмоқда.

Кўриб турганингиздек, бу бордаги камчиликлар, қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина. Энг муҳими эса улардан тўғри ҳулоса чиқаришда, зотан бу ҳолатларни таҳлил қилишда асосий мақсадимиз ҳам шу.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ишонч» муҳбири.

ЖАВОБ: II-гурӯх ногиронлари меҳнат лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотган бўлиши, баъзи бир II-гурӯх ногиронлари мутахассислиги бўйича қисман ишлашлари мумкин. Бу масалани туман (шаҳар) ТМЭКлари ўз маълумотномаларида қайд қиладилар. Агар Сизнинг ТМЭК томонидан берилган маълумотноманингда меҳнатга бўлган қобилиятингиз қисман йўқотилган ҳамда мутахассислигингиз бўйича ишлаш мумкин деб ёзилган бўлса, иш берувчининг розилиги билан шартнома асосида ишга жойлаштириш мумкин. Агар иш берувчи Сизнинг бажармоқчи бўлган ишингизга қобилиятингиз ёки малакангизни етарли эканлигига шубҳа қилса, Сизга II-гурӯх ногиронли-

йил 20 ноябрдаги 1289-сонли Фармонига асосан Сиз ишга жойлашган бўлсангиз пенсиянгиз 40 фоиз микдорда туланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 декабрдаги 198-сонли «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»га асосан Сиз бир ёки ярим ставкага ишга қабул қилинган кундан бошлаб туман ижтимоий таъминот бўлимининг Ф-25 топшириқномасига асосан пенсиянгизни иш жойингиздан олишингиз керак.

САВОЛ: II-жаҳон уруши даврида жангларнинг охириги кунларигача қатнашганман, лекин ҳужжатларим йўқолиб кетганлиги учун ногиронликка чиқа олмаганман. 1985 йилдан бунён 4916 сўм микдорда қариллик



Косонсой туманидаги «Тергачи» ҳўжалигида тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилади. Раҳбару мутахассислар, зиёлилар меҳнаткашларни қизиқтирган масалалар юзасидан тушунтиришлар олиб бормоқдалар. Ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилаётган савол-жавоблар, суҳбатларнинг ҳам нафи катта бўлаяпти.

Суратда: Мохир ташкилотчи Х.Раҳимов чорвадорлар билан мулоқот пайтида.
Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ни, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирор бир тарзда чеклашга асос бўлмади ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

119-модда. Тўлиқсиз иш вақти
Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш вақтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи ушбу Кодексда (229-модда), шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шартин билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддати

меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, — ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

121-модда. Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасидаги ишнинг муддати
Байрам (ишланмайдиган) кунлари (131-модда) арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

122-модда. Тунги вақтдаги ишнинг муддати
Соат 22-00 дан то 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шартинларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуқсиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинмайдиган олти кунлик иш вақтаси шартинларига асосан бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади. Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Жамоа шартномалари қандай бажариламоқда?

БИЛИМДОН МУТАХАССИС КЎП ИШГА ҚОДИР

Муस्ताқил юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар касабани уюшмалари фаолиятини фаоллаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Буни корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жамоа шартномасига асосан корхонамиз юксак унум билан узлуқсиз ишлаши учун зарур ҳимоя ва моддий-техника ресурслар билан таъминланиб ишлаб-чиқаришда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик, ускуналардан унумли фойдаланиш имкониятлари излаб топишмоқда. Машина механизмлар орасидан баъзиларни чиқарилиб, технологик жараёнга ўзгартиришлар киритилди. Учта цехда дастохлар сони қисқартирилди ва ихчам технология асосида ишлашга ўтилди. Шу тариқа фақат электр энергиянинг ўзидан 5 миллион 193 минг сўм тежалди.

Олдинги йиллари туман ҳўжаликларида пахта заводга ташиб келтиришда автокорхоналар транспортдан фойдаланишлар, бу эса катта сарф-харажатларни талаб қиларди. Утган йили пахта ташинишда ўзимиздаги трактор-тиркамаларни унумли ишлатдик. Натижанда корхона бундан ҳам катта иқтисодий манфаат кўрди.

Шартномада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш асосий масалалардан қилиб белгиланган. Иш жойларига йўриқномалар ёзиб қўйилган, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши доимий равишда назорат қилиб борилаёпти. Раҳбар ва мутахассислар, касабани уюшма фаолларининг сайёҳаракатлари боис, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмаёпти.

Мутахассислар ва ишчиларнинг касб маҳоратлари оширилмоқда. Масалан, 8 нафар мутахассис Тошкентда ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бир неча ходимимиз Кўкқондаги пахта тозалаш заводиди илғор таҳрибаларни ўрганишди. Ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати яхшиланиб бораётганлиги туфайли маҳсулот ишлаб-чиқариш режаси оширилиб бажарилоқда. Масалан, бултўр соф фойда 30 миллион 323 минг сўмни ташкил этди. Олинган толаннинг 95 фоизи хорижий давлатларга жўнатилди.

И.МИРЗАБОВЕВ, Бағдод тумани пахта тозалаш акционерлик жамияти касабани уюшма кўмитаси раиси.

Ҳурматли тахририят!
Иш берувчи ва касабани уюшма кўмитаси вакиллари билан ўзаро мулоқот чоғида иш вақти хусусида баъзи келишмовчиликлар юзага келмоқда. Ишчиларимиз номидан ана шу муҳим масала юзасидан батафсилроқ тушунча беришингизни сўрайман.

К.ИХТИЁРОВА, Шофиркон тумани.

Иш вақти тушунчаси чинданам кенг қамроқли бўлиб, бу ҳақда Меҳнат Кодексининг 7-бобида алоҳида тўхталган. Хусусан, 114-моддада таъкидланганича, ходим иш тартиби ёки графикага ёҳуд меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

115-модда. Иш вақтининг нормал муддати
Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш вақтасида ҳар кунги ишнинг муддати олти соатдан беш кунлик иш вақтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдир-

ИШ ВАҚТИ ХУСУСИДА

данинг учинчи қисми);
ноқулай меҳнат шартинлариди ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда);

алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда);
уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228-модда). (Иккинчи қисми олтинчи хат бошиси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни билан тўлдирилди — ушбу Қонун 1999 йил 1 июлдан кучга кирди).

117-модда. Ноқулай меҳнат шартинлариди ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати
Иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа

зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати тармоқ (тариф) келишувларида, жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касабани уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олингандан кейин белгиланади.

Меҳнат шартини ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

118-модда. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати
Юқори даражадаги ҳиссабдор, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ай-

(Давоми бор)

Меҳнат хавфсизлиги

Кенг тармоқли ишлаб чиқариш корхоналарида бахтсиз ҳодисалар содир этилмаслиги учун аввало меҳнат интизомини қатъий йўлга қўйиш, техника хавфсизлигига риоя этиш, жараёнларни бир маромда узлуksиз ишлашига эришиш даркор. Бу масалага Бухоро электр тармоқлари идорасида дастлабки вақтлар алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ вақт ўтиши билан жамоада ўзаро талабчанлик, меҳнат хавфсизлигига риоя этиш сусайди. Натижада кўнгилсиз ҳодисалар юз бера бошлади. 1600 нафар киши фаолият юритаётган корхонада кадрлар кўнимсизлиги юзага келди. Энг ташвишли, бултур икки киши бахтсиз ҳодиса туфайли бевақт оламдан кўз юмди. Бахтга қарши ташвишли ҳол бу йил ҳам қайтарилди.

АЧЧИК САБОҚ

Вилоят ёнилги-энергетика, геология ва кимё sanoати ходимлари касаба уюшма кўмитасининг меҳнат-техник ноziри С. Муҳиддинов билан шу хусусда фикрлашдик. У куйидагича хикоя қилади:

— Республика Энергетика вазирлигининг кўрсатмасига биноан Бухоро электр тармоқлари идорасининг фармойиши қабул қилинди. Унга кўра мазкур корхонанинг қирқ нафардан иборат назоратчилар гуруҳи электр ҳақи тўловларини ундириб олиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида қўшни вилоятга хизмат сафарига жалб қилиниши лозим эди. Назоратчилар тушган автобус эртасигаёқ Самарқанд шаҳрига етиб келди. Орадан ўн кун ўтгач, хизмат сафари учун ажратилган пул маблағларини тарқатиш мақсадида «Тико» русумли автомашина ҳам ўша ерга етиб боради. Бироқ қайтишда бахтсиз ҳодиса юз берди. Маълум бўлишича, «Самарқанд - Бухоро» йўналиши бўйлаб бораётган машина ҳайдовчиси Ўткир Мамедов айби билан жиноят содир этилди. Яъни, автоавария оқибатида «Тико» русумли автомашинадагилар қаттиқ жароҳатланиди. Бунинг оқибатида йўловчилар В.Абдуллаева, О.Раҳматов, Р.Султоновлар воқеа содир бўлган жойда вафот этдилар.

Ишни бошидан пухта қилмаслик, ўзибўларчилик, назоратнинг сустлиги ана шунга олиб келди. Ҳозирги кунда корхонадаги мутасаддилар куйиб-пишишмоқда. Бироқ, сўнгги пушаймон ўзингга душман, дейдилар. Фикримизча, эндиги асосий вазифа аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқариш, юқоридаги каби воқеалар такрорланмаслиги учун барча чора-тадбирларни ишга солишдир.

У.НАВРЎЗОВ.

ҲАМКОРЛИК

ИСТИҚБОЛЛАРИ

Миллий матбуот марказида Бутун жаҳон савдо ташкилоти - ВТОнинг «Демпнинг қарши, компенсацион божлар ва химоя чоралари қонунчилиги тўғрисидаги талаблар» буйича семинар ўтказилди. — Мазкур анжумандан кузатилган асосий мақсад, миҳозларни ВТОнинг баъзи бир экспорт-импорт амалларини бажариш борасидаги чеклашлар, товарларни ички бозорда ўзлаштириш талаблари билан таништиришдан иборат, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига мазкур халқро ташкилотнинг савдо ва инвестициялар бўйича Ўзбекистондаги вакили Бил Клавон. — Бу халқро талабларни билиш ва уларга амал қилиш ички бозорда экспорт-импорт хизмат турларини кенгайтиришга имкон беради.

Ғазалкентда Ойбекхонлик

АДИБНИНГ УНУТИЛМАС НИГОҲИ

ерга қовуштириб турибди». Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари О.Матёкубов эса адиб ижодидаги мусиқий тасвирлар хусусида сўзлади. — Байрам аҳли томонидан қизгин кутиб олинган севимли адибибиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг сўзлари ҳар бир ёшқарининг қалбига етиб борди.

— Ойбекнинг кўзларини кўрганмисиз? Бу кўзларда ҳеч қачон миннат бўлмаган. Бу кўзларда меҳр-муҳаббат балқиб турган. Бу кўзларда шу олам акс этган эди. Ойбекнинг тили толган уюшмаси раиси Абдулла Орипов очди. У Ойбек ижодида алоҳида меҳр билан тўхталиб, бугунги дийдорлашув ана шу меҳр меваси эканлигини таъкидлаб ўтди. Вилоят дийдорлашув ана шу меҳр меваси эканлигини таъкидлаб ўтди. Вилоят дийдорлашув ана шу меҳр меваси эканлигини таъкидлаб ўтди. Вилоят дийдорлашув ана шу меҳр меваси эканлигини таъкидлаб ўтди.

да унинг кўзлари сўзлар эди. Бу кўзлардаги сатрларни ажойиб олима, вафодор рафиқа, худди Сароймулкхоним, Нодирабегим сингари ҳаётда йўлдош, ижодда қўлдош бўлиб яшаган Зарифа Саидносирова қоғозга битарди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ва халқ шоири Халима Худойбердиева, ҳассос олимларимиздан Матёкуб Қўшонов, Наим Каримов, Умарали Норматов, Собир Мирвалиев ва бошқалар адибнинг ҳаёти, ижоди, асарларининг яратилиши ҳақида эҳтирос билан сўзладилар, ўзларининг ижод намуналаридан ўқидилар.

лар. Адибнинг фарзанди профессор Омон Тошмухамедов ва олима Хулқар Олимжоновалар Ойбекка кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Шу куни шеърлар қўшиқларга уланди. Тошкент вилоятининг Зоҳид Солихов бошчилигидаги хушовоз хонандалари Нилуфар Саидова, Ойбек Султонов, Анвар Фаниев, Тошпўлат Маткаримовлар ўзларининг янги қўшиқлари билан даврага хуш кайфият бағишладилар. Оқшомгача давом этган байрамда Ойбекнинг меҳрибон нигоҳи ҳар лаҳза намоён бўлиб турди.

Темур УБАЙДУЛЛО.




МЕХНАТ АРДОКЛАГАН КИШИЛАР



ҲИСОБ-КИТОБ ТЎҒРИ БЎЛСА

Йил бошидан буён «Замин» ипотека банкининг Сирдарё вилояти шўъбаси кредит маблағларининг ярмидан кўпини кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланувчи корхоналарга ажратди. 7 та фермер хўжалиги эса имтиёзли шартлар асосида 13 миллион 200 минг сўм миқдорда қарз олишди.



Қишлоқ кишилари бағри кенг, ўрта ҳисобда 6 миллион сўм армеҳнатсевар, ўз касбининг фидойиларидир. Бунга Учқўрғон туманидаги Кайки қишлоғида қуришди, тўйлар қилишди, енистикомат қилувчи Олимовлар мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ҳамжиҳатликда ишлаб, икки сотих ерда анвойи гуллар етиштиришмоқда. Тадбиркорлар савдо дўконлари билан шартномалар имзолашган. Қишин-ёзин иссиқхонада гуллар, кўкатлар етиштириб йилга эътибор қозонишган.

Шунингдек, «Жиззахдон» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси бош корхонаси ишчиси Надежда Полтарацкая ва Ўрта Чирчиқдаги нон корхонаси ходими Доно Исмагуллаева ҳам ҳалол меҳнат туфайли обрў-қадри етиштириб йилга эътибор қозонишган.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод йили»га бағишлаб ўтказган Ёш бастакорлар фестивали якунланди.

Музыка соҳасида сермахсул ижод қилаётган истеъдод соҳибларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда ёш бастакорларнинг турли жанрдаги йигирмага яқин асари ижро этилди. Услуби, ижрочилик маҳорати ва бадий савиясига кўра, Тошкент Давлат консерваторияси бастакорлик факультетида магистратуранинг биринчи босқичида тахсил олаётган Артём Кимнинг олти лавҳадан иборат «Пушкин ҳақида латифалар» асари фестивалнинг бош совринига лойиқ деб топилди.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди ўЗ ЎРНИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Фуқароларнинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қопловчи востита бу унинг «ойлик маоши ва давлат томонидан бериладиган бошқа ижтимоий химоя турлари ҳисобланади. Шу ўринда республикамизда яшаётган ҳар бир шахсининг фаровонлигини таъминловчи асосий омил унинг меҳнати билан боғлиқдир. Меҳнаткаш бажариб келаётган ишдан маҳрум бўлиши, аввало унга мольвий қийинчилик туғдиради. Шу боисдан ҳам ҳар бир ишчи, хизматчи, деҳқон ўз ишининг қадрини бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам ахшироқ англамоқда. Бироқ кузатилган шуни кўрсатмоқчи, айрим жамоаларда ишловчининг ноҳақ ишдан бўшатилиши унинг ҳаётида қатор қийинчиликлар, муаммолар юзага келишига сабаб бўлаётир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида меҳнаткашлардан тушаётган шу мазмундаги шикоят ва аризаларга жиддий аҳамият берилмоқда.

Н.ХОЛБОВЕВ, Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касабаноат уюшмалари Марказий кўмитаси меҳнат хуқуқи ноziри.

МАГИСТРАЛ АВТОЙЎЛЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Чиройли ва обод йўл ҳамда манзиллар юрт қўриқдир. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги автомобил йўллари бўйини ободлаштириш, йўл ёқасида қурилаётган иншоотларни тартибга келтириш, жаҳон андозасига мос келадиган замонавий бинолар, дам олиш масканлари қуриш юзасидан кенг қўламли ишларни бошлаб юборди. Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 мартдаги «Уй-жой, архитектура-шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ вилоятда автомо-

Тезкор шарҳ СУЛҲ ТУЗИЛДИ

Эритрея билан Эфиопия ўртасидаги икки йиллик можаро барҳам топадиганига ўхшайди. Бу икки мамлакат Африка бирдамлиги ташкилоти (АБТ) тақлифини қабул қилиб, тинчлик ўрнатиш ҳақидаги ҳужжатларни 18 июн куни Жазоирда имзолашга розилик билдирган эди. Шундай бўлди ҳам - икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари можарога чек қўйиш тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекди. Сулҳ шартларига кўра, томонлар уруш ҳаракатларини тўхтатиб, ўртада чегара ҳудудида БМТ тинчликни сақлаш кучлари киритиладиган бўлди. Шунингдек, Эфиопия ўз қўшинини Эритреянинг эғаллаб олинган ҳудудларидан олиб чиқади. Эфиопия-Эритреянинг чегараси минг километрдан узунроқ масофани ташкил қилади. Моҳаро айнан шу чегаравий баҳслар туфайли келиб чиққан. 1998 йил 12 май куни Эритрея Эфиопия шимоли-ғарбидagi Тигра вилоятининг 400 квадрат километрлик ҳудудини бо- сиб олди. Эритрея томони бунга «мазкур ҳудуд тарихан бизга қарашли, лекин яқиндаги Эфиопияликлар уни ўзиники қилиб олди», деб изоҳлади. Аслида ўртадаги ёвқарашлар бироз олдинроқ бошланган эди. Эритрея мустақиллик учун ўттиз йил тинимсиз курашиди ва 1993 йилда мақсадига эришди. Уша вақтларда худудий баҳслар йўқ. Эритреяда Эфиопия пул бирлиги - «бир» муомалада қолганди. Лекин 1997 йилнинг кузида Эритреяда «бир» ўрнига миллий валюта - «накфу» муомалага киритилди. Натижада Эфиопия учун Эритрея портлари - Масауа ва Асебдан фойдаланиш қимматга туша бошлади. Эфиопия ҳукумати Жибути портидан фойдаланишни маъқул қўрди. Кимдир ортиқча харажатдан қочди, кимдир ортиқча даромад келтирдан қувди ва орага совуқчилик тушди. Эритреянинг босқини эса кенг қўламли уруш ҳаракатлари бошланиб кетишига сабаб бўлди. Ниҳоят, икки йил давом этган можаро бугун тўла ҳал бўлиш арафаси-

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

